O'ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№94 (747) 2023 йил 10 ноябрь, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Дунёдаги бугунги зиддиятлар, савдодаги чекловлар иқтисодиётда ўз аксини топмай қолмайди. Жумладан, бу омиллар озиқ-овқат ва тўқимачилик экспортига салбий таъсир қилди. Бу вазиятда энг тўғри йўл – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига таннархни камайтириш, чуқур қайта ишлашга ва қўшилган қиймат яратишга кўпроқ инвестиция жалб қилиб, экспортни кўпайтиришдир.

Шу боис йиғилишда қишлоқ хўжалигини янгича ёндашувлар, ташкилий ва молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир тармоққа алоҳида тўхталиб, янги таклиф ва ташаббусларни айтди.

Таҳлилларга кўра, бу йил 41 та пахта-тўқимачилик кластерида ҳосилдорлик 40 центнердан ошган бўлса, 9 тасида 30 центнердан кам бўлган. Ҳосилдорлик пастлиги ва таннарх юқорилиги оқибатида Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида рентабеллик 10-11 фоиздан ошмаган.

Шароит ва изланиш бўлса, яхши тажрибалар ҳам бор. Масалан, Навоий вилоятидаги "Навбаҳор" кластери хориждан олиб келган янги пахта нави ўртача 70 центнердан ортиқ ҳосил бераяпти. Унинг таннархи, дейлик, Жиззахдагига нисбатан қарийб икки баробар арзонга айланаяпти.

Шу боис пахта уруғчилиги бўйича янгича ёндашувлар кўрсатиб ўтилди. Унга биноан, келгуси йили ҳар бир вилоятдаги балл бонитети паст, суғориш қийин бўлган ва ҳосилдорлиги 30 центнердан ошмайдиган 1 тадан туманда 70-80 центнердан юқори ҳосил берадиган пахта уруғини четдан олиб келишга рухсат этилади. Шунингдек, 30 центнердан паст ҳосил бераётган навларни экиш тўхтатилиб, уруғчилик институтлари томонидан ишлаб чиқилган янги серҳосил навлар билан алмаштирилади.

Бу соҳадаги яна бир долзарб масала – айрим кластер ва фермерлар ўртасида ҳисоб-китоб интизоми бузилган. 122 та кластернинг Қишлоқ хўжалиги жамғармаси ва фермерлар олдида қарздорлиги бор. 6 та кластернинг ишлаб чиқариш қуввати йўқ бўлса-да, уларга имтиёзли кредит берилган.

Шундан келиб чиқиб, кластерларни ташкил этиш, улар билан фермерлар ўртасидаги муносабатлар бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Энди янги кластерларга молиявий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва техника таъминоти бўйича талаблар қўйилади ва очиқ танлов орқали танланади. Уларда камида икки босқичли қайта ишлаш бўлиши шарт.

Фермерлар бир вилоят ичидаги хоҳлаган кластери билан фьючерс шартномаси тузиши мумкин бўлади. Улар фьючерс шартномасидан ортган ҳосилни биржа орқали сотишига ҳам имконият яратилади.

Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун пахта етиштиришга 60 фоиз аванс кўринишидаги имтиёзли кредитлар тўғридан-тўғри фермерларга ажратилади.

Кластерлар эса етиштирилган пахтани сотиб олиш ва терим учун маблағ бериш орқали молиялаштирилади. Чуқур қайта ишлашга ҳам алоҳида маблағлар ажратилади.

Мутасаддиларга кластер ва фермер хўжаликларини молиялаштиришнинг янги тартибини йўлга қўйиш, улар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни ҳал этиш бўйича топшириқлар берилди. Кластерларни халқаро молия стандартларига ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Бу йилги пахта ҳосилини тўлиқ қайта ишлаш натижасида 2024 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9,6 миллиард долларга, экспортни эса 4,5 миллиард долларга етказиш ҳисоб-китоб қилинган.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида газлама ишлаб чиқариш ва бўёқхоналар ташкил қилиш бўйича 350 миллион долларлик, Қорақалпоғистонда сунъий тола, газлама-мато ва бўяшга ихтисослашган 60 миллион долларлик лойиҳалар бошланган. Бу корхоналар келгуси йил ишга туширилиб, тадбиркорларга саноат ипотекаси асосида берилади. Уларда 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилади.

Мазкур тармоқ ривожини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, газлама-мато, бўяш ва тикувчилик бўйича янги қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилади. Жумладан:

– бўялган матони 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини ички бозорга сотган корхоналар ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўлайди;

– уларга мол-мулк солиғини 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

– 2025 йил 1 январга қадар пахта ва сунъий толани импорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади;

– тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари учун зарур технологик ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини импорт қилишда улар божхона божидан озод қилинади.

Президентимиз бундай имкониятлардан фойдаланиб, лойиҳаларни кўпайтириш, инфратузилма харажатларининг ярмини қоплаб бериш муҳимлигини таъкидлади.

Боғдорчиликда 16 минг гектар боғ ва 10 минг гектар токзорнинг ҳосилдорлиги пастлиги қайд этилди. Бу уларда гектаридан камида 3-5 минг доллардан, йилига ўртача 100 миллион доллар даромад йўқотилаяпти, дегани.

Шу боис энди ҳар бир туманда ҳоким бошчилигида қишлоқ хўжалиги, солиқ ва статистика ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, боғ ва токзорлар йилига камида бир марта хатловдан ўтказилади. Улар самарасиз деб топилса, ер солиғидан берилган имтиёз бекор қилинади ва солиқ тўлиқ ундириб олинади. Келгуси йилдан бошлаб, боғ ва токзорларга ҳосилдорлиги ва тушумига қараб, табақалашган ер солиғи ставкалари жорий қилинади.

Шунингдек, боғлардаги қатор ораларида ва томорқаларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш вазифаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда паррандачиликда йилига 690 минг тонна гўшт ва 8,7 миллиард дона тухум етиштирилади. Сўнгги ойларда бу маҳсулотлар нархи сезиларли ошди. Озуқа муаммоси маҳсулот таннархини пасайтириш имконини бермаяпти. Шунинг учун 8 та йирик дон омбори ташкил этилиши айтилди.

Яна бир муҳим масала – бизда биринчи тартибли парранда наслининг ота-оналик линияси йўқ, шу сабабли йилига 3 миллион бош жўжа импорт қилинмоқда. Бу насл ўзимизда бўлса, ишлаб чиқаришни 3 баробар ошириш, гўшт таннархини 10 фоизга камайтириш мумкин. Энг муҳими, йилига 50 миллион долларлик инкубацион тухум ва наслли жўжалар экспорт қилиш имкони пайдо бўлади. Шу борада АҚШ компаниялари билан келишувга эришиш вазифаси қўйилди.

25 та туманда чорва кластерлари ташкил этиш, сут етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, балиқ етиштиришни кўпайтириш, Словения тажрибаси асосида ҳовузлар барпо этиш масалалари ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш масаласи ҳам таҳлил қилинди. Халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар тўлиқ йўналтирилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Негаки бу маблағлар 20-25 йилга жалб қилинган бўлса-да, банклар томонидан тадбиркорларга 5-7 йилга ажратилмоқда. Кредит бериш учун лойиҳаларни кўриб чиқиш муддати бир йилгача чўзилмоқда. Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари чеклангани сабабли тадбиркорларда қизиқиш кам.

Шу боис бу ресурсларни банклар учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам жозибадор шартларда ажратиш кераклиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига бериладиган кредитлар муддати 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилгача узайтирилиши, улар 2 ойгача муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига халқаро молия ташкилотлари, бюджет ва банклар ажратаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича ички аудит хизматини ташкил қилиш топширилди.

Йирик савдо тармоқларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тенг шароит яратилмагани, бу рақобат ва нарх-навога таъсир этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда бюджетга тушумларни таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада айрим туман ва шаҳарларда оқсоқликка йўл қўйилаётгани, даромадлар ҳажми ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестицияларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўрилгани таъкидланиб, ҳудудларга табиий газ етказиб бериш ва ҳисобини юритиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК – МУНОСИБ МЕҲНАТ ГАРОВИ

**11 ноябрь – Ўзбекистон Касаба уюшмалари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида "Ижтимоий шериклик – муносиб меҳнат гарови" мавзусида байрам тадбири ташкил этилди. Унда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ходимлари – Шоҳиста Чариева ва Лола Нишонова, вазирлик Касаба уюшмаси фаоллари ва ходимлар иштирок этишди.**



Сўнгги йилларда республикамизда сезиларли даражада ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширилаётгани натижасида меҳнат ва ижтимоий соҳаларда кўплаб ўзгаришларга эришилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аҳоли ва жамоат бирлашмалари сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Аҳолини муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу борада фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

– Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Жонажон ватанимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига кираётган, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда биз учун бош мақсадга айланаётган ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи бутун халқимиз каби касаба уюшмалари олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда", – деди Шоҳиста Чариева. – Касаба уюшмаси ташкилотларининг олдида турган стратегик мақсади – ишловчи инсон ва унинг оиласига иқтисодий эркинликни таъминловчи, инсон қадрини камситмайдиган шароитда меҳнат қилиб ривожланиш, дам олиш, цивилизация ютуқларидан фойдаланиш имконини берувчи муносиб иш ҳақи тўланишига эришиш, шунингдек, ходимларнинг иш ҳақи ва даромадларини юксалтиришга кўмаклашишдир. Шу мақсадда, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тизимидаги ходимларнинг меҳнат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тармоқ жамоа келишуви имзоланган. Ҳамкорлар томонидан тармоқ жамоа келишуви орқали яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш – ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг таъминланишига, шунингдек, меҳнат шартларининг такомиллашувига замин яратмоқда.

– Бугунги кунда вазирлик марказий аппаратида 170 нафардан ортиқ ходим фаолият юритса, уларнинг 20 фоизга яқини аёллар, 45 фоиздан ортиғи ёшларни ташкил қилади, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Гулшаной Отабоева. – Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида корхоналарда ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни шартномалар асосида тартибга солиш, ижтимоий шерикчилик тамойилини ривожлантириш жамоа шартномаси ва келишувлари орқали амалга ошириб келинмоқда. Тармоқ жамоа келишуви ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаб, муносиб меҳнат шароитларини ташкиллаштиришини, шунингдек, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотлар учун дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилаётганини Ижтимоий шерикликнинг энг самарали кўриниши, десак арзийди. Бу борада вазирлигимиз ходимларига имкон қадар барча керакли шароитни яратиб, доимо ёрдам беришга ҳаракат қилиб келяпмиз.

Шунингдек, тадбир давомида вазирлик Касаба уюшмасининг фаол ходимларига ташаккурнома ва совғалар тақдим этилди.

# Хусусий сектор вакиллари билан учрашув

**Бугунги интернет технологиялари ривожланган даврда, айниқса, пойтахт кесимида ҳеч бир хонадонни вай-фай алоқа воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.**

Замонавий технологиялар бозорида эса ўз хизматларини таклиф қилаётган интернет провайдерлари ҳам етарлича. Аммо интернет кабелларини улашдаги тартибсизликлар кўп қаватли уйларнинг ташқи қиёфасига салбий таъсир ўтказиб, уларга хизмат кўрсатишда ҳам қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу маънода қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги масъуллар Рақамли технологиялар вазирлиги мутасаддилари билан ҳамкорликда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча интернет провайдерлари, шунингдек, хусусий сектор вакиллари билан учрашдилар.

Унда республикада мавжуд 41 мингга яқин кўп қаватли уйларда интернет кабелларини тегишли шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида қайта кўриб чиқиш, уйларнинг фасад қисмини тартибга келтириш, тадбиркорларнинг белгиланган қоидаларга амал қилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, баъзи тадбиркорлик субъектларининг томларга интернет тарқатувчи қутиларни жойлаштиришда бинони ўзбошимчалик билан тешиш ҳолатлари, қулфларни бузишга уринганлиги қатъий танқид остига олинди.

Учрашувда икки ой муддатда кўп қаватли уйларнинг фасад қисми кўринишини бузаётган кабелларни тартибга келтириш, махсус қутиларни белгиланган тартиб асосида жойлаштиришга келишилди. Шунингдек, вазир ўринбосари интернет провайдерлари фаолиятида дуч келинаётган муаммоларга ҳам қулоқ тутди. Ўзаро ҳамкорлик асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш бўйича зарурий чоралар кўрилиши белгиланди.

# Соҳа ходимлари иштирокида очиқ мулоқот

**Маълумки, қурувчилик катта масъулият талаб қиладиган касб. Ҳар ким ҳам қурилиш ишлари билан шуғулланавермайди. Тизимдаги электрон рейтинг ва тендер жараёнлари эса ҳақиқий ҳамда тажрибали пудрат ташкилотларини аниқлашда қўл келмоқда. Хусусан, рейтинг электрон платформасида қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари рейтинги тегишли давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Шу орқали уларнинг маълумотлари ҳамда соҳадаги рейтинги шакллантирилиб келинмоқда.**

Бунда лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларини рейтинг кўрсаткичлари юзасидан ўйлантираётган жиҳатлар, қизиқтираётган савол ва таклифларга қулоқ тутиш, уларни очиқ муҳокама қилиш орқали ташкилотлар фаолиятида, қурилиш сифатида самарадорликка эришиш мумкин. Айни шу мақсад йўлида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида ташкил этилаётган очиқ мулоқот шаклидаги тадбирлар Наманган вилоятида бўлиб ўтди.

Маълумот ўрнида, ҳозирги кунда ушбу рейтингдан 19 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилоти ўрин олган. Лойиҳа ташкилотлари рейтинги тизимига эса жами 1 минг 900 дан зиёд лойиҳа ташкилоти киритилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Д. Милиев, "Шаффоф қурилиш" МАТ бўлим бошлиғи А. Аҳмаджонов, Лойиҳа фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Р. Қўчқоров ҳамда қатор масъуллар иштирокида бўлиб ўтган очиқ мулоқот аввалида Наманган вилоятида фаолият юритувчи лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларига Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари томонидан "Шаффоф қурилиш" онлайн тизимнинг имкониятлари, маълумотлар жойлашдаги актуал ишлар хусусида тушунча берилди. Хусусан, онлайн рейтингни шакллантиришда кўрсаткичларни сунъий ошириш ёки ёлғон ҳисоботлар тақдим этиш сингари ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари, соҳага тадбиқ этилаётган янгиликлар ҳақида маълумотларга эга бўлгач, қурилиш ташкилотлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Хусусан, "Талабгор тендер савдоларида иштирок этиб ғолиб бўла олмаса, операторнинг махсус ҳисоб варағига ўтказилган маблағ қайтариб бериладими?", "Харид қилинган айрим техникалар нима сабабдан платформада кўринмаяпти?", "Электрон тендерларда иштирок этиш учун буюртмачи томонидан белгиланган объектнинг бошланғич нархидан неча фоиз тўловни амалга ошириш талаб этилади?" каби саволлар шулар жумласидандир.

Худди шундай очиқ мулоқот Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият юритувчи қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари, соҳа экспертлари қатнашдилар. Маълумот учун, бугунги кунда Андижон вилоятида фаолият юритаётган қурилиш-пудрат ташкилотлари сони 278 тани, лойиҳа ташкилотлари сони эса 93 тани ташкил қилмоқда.

Шунингдек, учрашувда "Шаффоф қурилиш" МАТда лойиҳачи ташкилотни танлаш учун объектлар эълонга қўйилганда лойиҳа ташкилотларини аввалги бажарган лойиҳа ишларининг турларига қараб таснифлаш ва шу асосида балл бериб баҳолаш механизмини ишга солиш юзасидан ҳам таклиф берилди. Бунда объектнинг экспертиза хулосаси чиқарилаётган пайтда алоҳида турларга ажратиб, масалан, умумқурилиш объекти, йўл қурилиши, ирригация, махсус тоифаланган объектларга алоҳида хулоса бериш мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланди.

Вазирлик масъуллари томонидан мазкур таклиф инобатга олиниб, кўриб чиқилиши маълум қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№94 (747) 2023 йил 10 ноябрь

# Ўтган йиллар ортда қолди, бугунги ишлар асрларга татийди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тошкент вилоятининг Бекобод тумани аҳли ҳам сўнгги олти йил оралиғида ўз ҳудудларида бўлаётган эврилишлардан миннатдор. Ўз даврида аҳоли сони жиҳатидан вилоятда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган ҳудудда яқингача атиги иккита ишлаб чиқариш корхонаси, яъни пахтани қайта ишлаш ва экскаваторларни таъмирлаш заводи фаолият юритар эди. Ҳудудда ихтисослаштирилган корхоналар қуриш орқали янги иш ўринларини яратиш имконияти бўлса-да, бу масала эътибордан четда қолгани учун ишсизлик катта муаммолардан бири бўлиб қолаётганди.**



Республикамизнинг бошқа жойлари каби мазкур туманда ҳам биринчи навбатда мана шу муаммони бартараф қилиб, одамларни доимий иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Натижада, охирги йилларда ўнга яқин саноат ишлаб чиқариш корхонаси қурилиб, минглаб киши доимий иш билан банд бўлди. Қолаверса, тадбиркорлар ҳам бу масалада қўл қовуштириб тургани йўқ. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, маҳаллий хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарни ишга тушириб, ёшлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшяпти.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Йилнинг ўтган даврида ички кўчаларни жорий таъмирлаш баробарида иккита тўрт қаватли ҳамда иккита беш қаватли турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, умумий қиймати 8,5 млрд сўм бўлган ва 180 ўринга мўлжалланган иккита икки қаватли болалар боғчасини қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бу ердаги бунёдкорлик ишлари ҳар томонлама талабга мос бўлиши учун Абдусамад Ҳидоятов раҳбарлигидаги "Келажак лойиҳаси" масъулияти чекланган жамият қурувчилари барча юмушларни сифатли тарзда бажаришмоқда. Шу кунларда ҳар иккала болалар боғчасида асосий ишлар бажарилиб, ташқи фасадга безак беріляпти. Болажонлар учун ёзги ўйингоҳлар, сузиш ҳавзаси сингари жами 270 квадрат метр жойда қурилиш ишлари олиб бориляпти.



Туман ҳудудларини замонавий кўринишга келтириш ва турар жойга муҳтожларни уй-жой билан таъминлашга ҳеч қайси даврда бу даражада эътибор қаратилмаган эди. Эндиликда маҳаллаларда қуриб битказилган ва янгидан қад ростлаётган, барча қулайликларга эга кўп қаватли иншоотлар, мактаблар, болалар боғчалари, спорт майдонлари ва бошқа бунёдкорликлар шаҳарлардагидан қолишмайди. Хусусан, Далварзин маҳалласи тумандаги энг катта ҳудудлардан бири. У бир нечта қишлоқларни бирлаштирган бўлиб, бу ерда олти минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Маълумот ўрнида айтиш керак, ўз даврида мана шу хўжалик пахта етиштириш соҳасида нафақат республикамизда, балки собиқ иттифоқда ҳам алоҳида тилга олинар эди. Бироқ агросаноат мажмуида шундай катта тажрибага эга бўлсада, на бир мактаб, на бирорта болалар боғчаси ва одамлар учун турмуш шароити яратилмаган эди.

Маҳаллада узоқ йиллардан бери яшаб келаётган инсонлар бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, "Шу кунларга етказганига шукр, фаровон турмуш кечиришга нима етсин, давлатимиздан миннатдормиз", деб ёшларни шунга муносиб бўлишга ундашмоқда. Ҳудудда илгари бир неча гектар майдонни эгаллаб ётган пахта заводи ўрнида бири иккинчисини такрорламайдиган кўп қаватли замонавий уйлар ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа турдаги иншоотлар қурилиб, маҳалла туманнинг иккинчи марказига айланмоқда.

Ҳудудни ободонлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари жорий йилда ҳам қизғин давом этмоқда. Айниқса, Қурилиш ишларига масъул Саидаҳрор Саидалиевнинг таъкидлашича, давлат дастурига кўра, мазкур объект йилдан-йилга ўтувчи ҳисобланиб, асосий ишлар шу йилнинг бошидан бошланган. Бунгача 60 нафардан ортиқ ишчи-ходимнинг меҳнати туфайли тумандаги Ҳамза номли МФЙда худди шу лойиҳа асосида 180 ўринли болалар боғчаси, Бўстонлиқ туманида битта кўп қаватли уй-жой, Тошкент шаҳрида "Махсустранс" корхонаси учун иккита объект, Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Манфаатдорлик ҳамиша иш унумини таъминлашда муҳим ўрин тутган. Буни "Келажак лойиҳаси" МЧЖ жамоаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ишчилар ҳар куни корхона ҳисобидан уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Уларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчаси очилган. Таътилларда ишчининг хоҳишига қараб, санаторийларда дам олиш учун маблағ ажратиб берилади, тўй ва маросимлар ҳам корхонанинг кўмагисиз ўтмайди. Бу сингари қўллаб-қувватлашлар ишчиларни бугундан кўра эртага янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундамоқда. Бунинг натижаси сифатида кейинги икки йил оралиғида бир нечта муҳим объект фойдаланишга топширилгани эътирофга лойиқдир.

# Назорат тадбирлари давом этмоқда

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,**
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан аҳоли мурожаатларига асосан кўп қаватли уйларда ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилиш ишларини олиб бораётганларга нисбатан тегишли чоралар кўриш ишлари давом этмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳрида ўтказилган ўрганишлар давомида Рудакий кўчасидаги 114-кўп қаватли уйнинг мулкдори уй-жойнинг орқа фасад қисмидан эшик очиш мақсадида қурилиш ишларини олиб бораётганлиги аниқланди.**





Инспекция ходимлари томонидан фуқарога бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатма берилди ва қурилиш ишлари тўхтатилди. Фуқарога мажбурий кўрсатмада берилган вақт ичида ҳолатни ўз ихтиёри билан бартараф қилиб, олдинги ҳолатига қайтармаса, унга нисбатан МЖтК 159-моддасига асосан, маъмурий жарима қўлланилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга даво аризаси киритилиши тушунтирилди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг Ватанпарвар маҳалласидаги 4-кўп қаватли уйнинг мулкдори ҳам уй-жойнинг орқа фасад қисмидан эшик очганлиги ҳамда уй-жойнинг тўсиқ конструкцияларига ўзгартириш киритганлиги аниқланди. Инспекция ходимлари томонидан фуқарога бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатма берилди. Фуқарога мажбурий кўрсатмада берилган вақт ичида ҳолатни ўз ихтиёри билан бартараф қилиб, олдинги ҳолатига қайтармаса, унга нисбатан МЖтК 159-моддасига асосан маъмурий жарима қўлланилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга даво аризаси киритилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

# Янги массивга тамал тоши қўйилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугунги кунда Элликқалъа тумани катта қурилиш майдонига айланган. Кўплаб турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, йўллар қурилиши қизғин олиб борилмоқда.**

Мана шундай кенг кўламли ишлар давомийлиги сифатида тумандаги "Элликқалъа" ОФЙ ҳудудида 2023-2024 йилларда янги массив барпо этилиши назарда тутилган бўлиб, 6 та 5 қаватли 30 хонадонли турар жойлар ва бир қатор ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан туман ҳокимлиги, тегишли масъуллар, нуронийлар ва қурувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирокида янги бинога тамал тоши қўйилди. Келгуси йилда шу маҳалланинг яна 180 хонадони ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган янги турар жойлар билан таъминланади.

# Арнасойда ободлик ҳаракати

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Арнасой.... Мирзачўл кенгликларида бундан 48 йил муқаддам ташкил этилган туман бугун кенг миқёсдаги ўзгаришларга, ободликка юз тутган ҳудудга айланиб бормоқда. Йилдан йилга яшариб, янгиланиб бораётган туманнинг нафақат маркази, балки энг чекка ҳудудларида ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган қарорига асосан, туманда "Манзилли дастур" ишлаб чиқилди. Бунда, асосий эътибор қишда лой, ёзда чанг бўлган ҳудуддаги ички кўчаларнинг 15,9 километр қисмига асфальт ва бетон қопламалар ётқизишга қаратилди**




Шунингдек, айрим йўллар шағаллаштирилди. Шу билан бирга, "Манзилли дастур"га киритилган тумандаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино қуриш учун 4 млрд 811 млн сўм, 2 та маҳалла фуқаролар йиғини биносини реконструкция қилиш учун 1 млрд 650 млн сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда мазкур объектлар фойдаланишга топширилди.

Эътиборли жиҳати, бугун Арнасойдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳар бир маҳалла ҳудудида жадал суръатларда олиб борилмоқда. Жумладан, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида "Арнасой-Бўстон" ичимлик суви тармоғининг 14 километрлик қисми тўлиқ алмаштирилди. Томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида 11 километр узунликда бетон ариқлар ўрнатилди. Давлат ҳамда маҳаллий аҳамиятдаги ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун 9 млрд 530 млн сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағлар эвазига тумандаги 9 та маҳалланинг ички йўллари белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ янгидан қурилиши ва таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган.

– Бизнинг "Бахтли" маҳалла фуқаролар йиғини аҳли бугун чиндан бахтли, дея баралла айта оламан, – деди оқсоқол Аҳмад Маҳмудов. – Маҳалламиз бугун ободликка юз тутган манзиллардан биридир. Биз кўп йиллар орзиқиб кутган маҳалла биносининг қурилиши, 3,5 километрга яқин ички йўллар асфальт қилиниши маҳалладошларимизни жуда қувонтирди. Бу ишлар ҳали давом этади.

Бундан ташқари, туманда жорий йилда вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан 3 млрд 250 млн сўм маблағ эвазига 2 та умумтаълим мактаби ва 3 та давлат мактабгача таълим ташкилотида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ижтимоий муассасаларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги борасида гап борар экан, 250 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли поликлиникаси ҳамда 84 ўринли туман марказий шифохонасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Бугунги кунда ушбу муассасаларда 1 млрд 800 млн сўм маблағ эвазига ташқи ва ички канализация тизими ҳамда ичимлик сув тизимларини тўлиқ янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2 млрд сўм маблағ эвазига иссиқлик тизими ҳам янгиланяпти.

# Олтинсой янада чароғон бўлмоқда

**Азиз МАШРАБОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани истеъмолчилари электр энергиясидаги беқарорликдан азият чекаётган эди. Жорий йилда бу муаммо ҳал этилиб, аҳоли хонадонлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари узлуксиз энергия билан таъминланмоқда.**



Баланд тоғларга туташ тумандаги истеъмолчиларга барқарор электр энергияси етказиб бериш учун "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти Сурхондарё ҳудудий филиали томонидан 46,63 километр 0,4-10 кВли тармоқ қурилиши амалга оширилиб, 35 дона 10/0,4 кВли трансформатор реконструкция қилинди.

Хусусан, Баркамол авлод ва Миршоди маҳаллалари ҳудудида 4 дона қуввати 250 кВА бўлган янги трансформатор пункти, 125 дона янги темир-бетон устун ўрнатилди. Етти километр масофага янги ҳаво электр узатиш тармоғи тортилди. Алижон Бўтаев номли, Сайрак ва Вахшивор маҳаллалари қуввати 250 ва 160 кВА бўлган иккита трансформатор, 135 дона темир-бетон устун билан таъминланди. 8,65 километр ҳаво электр узатиш тармоғи янгиланди. Шунингдек, 20 га яқин маҳаллага қуввати 250 кВА, 400 кВА, 160 кВА бўлган трансформатор пункти ва 128 дона темир-бетон симёғоч ўрнатилди. Шу кунларда мазкур ҳудудларда 5,7 километр масофага ҳаво электр узатиш тармоғи тортилмоқда.

– Қишлоғимиз тоғ этакларида жойлашган, – деди Вахшивор-2 маҳалласида яшайдиган Ўрол Ҳамроев. – Кўп йиллардан буён электр энергиясидаги узилишлардан азият чекаётган эдик. Айниқса, ҳаво совиб, кучлироқ шамол эсса ҳам, чироғимиз ўчиб қолар эди. Шу йилдан бошлаб энергия таъминотидаги бу муаммо барҳам топди. Хонадонларимиз туну кун чароғон.

Туманда истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга қаратилган улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

# Хонобод шаҳрида Экобозор ишга тушди

**Зиё СИРОЖ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хонобод шаҳрида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги бозор барпо этилди. Айтиш жоиз, олдинги бозор узоқ йиллар давомида фойдаланилгани учун таъмирталаб бўлиб қолганлиги сабабли сотувчи ва харидорларга ноқулайликлар туғдираётганди.**




– Эски бозорда фаолият юритиш учун шароит йўқ эди, – деди якка тадбиркор Ўғилой Боймирзаева. – Кунимиз офтоб ва ёмғирдан ҳимоя қилувчи соябонни созлаш билан ўтарди. Ҳозирда янги бозорда барча имкониятлар мавжуд.

Фойдаланишга топширилган Экобозор "Гуллола-Машҳур" оилавий корхонаси томонидан тўрт ой муддат ичида қуриб битказилди. 5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида барпо этилган савдо маркази 84 та раста ва ўнлаб савдо дўконидан иборат бўлиб, йил давомида 550 минг нафар харидорга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

# Мансардали уйлар: ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ НИМАДА?



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.





**Дам олиш куни танишимнинг уйига меҳмонга бордик. Тўққиз қаватли уйнинг тўққизинчи қаватида яшаркан.**

**Хонадонига қўшимча қилиб, мансарда қисмини ҳам олишгани ҳақида эшитганим, қолаверса, замонавий уйларнинг архитектурасига бефарқ бўлмаганим туфайли уйнинг тепа қисмини кўришга қизиқдим. Шунингдек, бундай услубдаги уйлар ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўлмаган эдим.**

– Мансардага чиқиб кўрсам майлими?

– Бемалол, фақат айбга буюрмайсиз, сал бесаранжомроқ эди.

Пастки қаватдан махсус қурилган зинапоя ёрдамида мансардага кўтарилдим. Худди ёшлигимда ўқиганим, томда яшайдиган Карльсон ҳақидаги асарда тасвирлангандек чордоқнинг тепа қисми сал пастроқ бўлса керак, деган хаёлда эгилиброқ юрдим. Аммо худди тўққизинчи қаватдаги уй қандай бўлса, чордоқдаги хоналар ҳам худди шундай кенг ва шифти ҳам баландгина экан. Бунинг устига хоналар ўзгача дизайнда жиҳозланган бўлиб, хонадон эгаси айтмаса, мансарада эканини билмайсиз ҳам. Уйнинг жиҳозланишига қараб бу ерни болалар хонаси эканини бир қарашда пайқаш мумкин. Аммо негадир бу ерда яқин-орада одам яшамагани сезилиб турарди.

– Бу болалар хонасими дейман?

– Ҳа, ҳавас билан атай болаларбоп таъмирлаб, жиҳозлагандик. Аммо қишда жуда совуқ, ёзда эса исиб кетгани боис, фарзандларим бу ерда яшашни исташмаяпти...

Ҳаа, демак, ҳар нарсанинг ҳам ўзига яраша яхши ва ёмон томонлари бўлар эканда. Хоналар сони кўпайиши, уйнинг умумий майдони кенгайиши ва энг муҳими, нархи арзонроқ бўлгани учун аксарият тепа қаватдан уй харид қилган кишилар мансардани ҳам қўшиб олишга ҳаракат қилашади. Аммо ҳамма ҳам унинг оддий уйдек эмаслигини, бу ерда яшаш муҳитини яратиш учун ўзига хос талаблар борлигини билавермайди.

Аслида, чордоқ, яъни мансардалар нима, улар қай тартибда қурилиши керак?

Хабарингиз бор, юртимизда уй-жойга эҳтиёжманд аҳолининг талабларини қондириш мақсадида турар жойлар қурилиши ҳажми тобора ортиб бормоқда. Ипотека кредитлари, субсидия, арзон уй-жойлар қурилиши каби имкониятлар туфайли минглаб юртдошларимиз ватанли бўляпти. Шунга қарамай, йил сайин уй-жойлар ва ерлар нархи барибир, ошиб бормоқда. Шу боис, аҳоли кўпинча уйнинг фойдаланишга яроқли майдонини "кўпайтириш"га ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун эса турли йўлларни ўйлаб топишяпти. Табиийки, энг осон вариант – уйнинг баландлигини ошириш, яъни, унинг чордоқ қисмини ҳам фойдали майдонга айлантиришдир.

Чордоқ (мансарда) – турар жой охирги қаватининг шифти ва уйнинг томи орасидаги бўшлиқ бўлиб, бу жой азалдан яшаш жойи сифатида фойдаланиб келинади. Илгари шифт ва том орасидаги чордоқ уй жиҳозлари учун омбор сифатида ишлатилишига ёки шунчаки бўш туришига кўп гувоҳ бўлганмиз. Аммо бу жойни шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мос равишда қуриб, бемалол қўшимча яшаш ҳудудига айлантириш мумкин. Масалан, меҳмонхона, офис ёки болалар хонаси. Чордоқнинг афзаллиги шундаки, у уйнинг умумий баландлигини оширмасдан ва ортиқча қават қурмасдан қўшимча яшаш жойини яратишга имкон беради. Бунда энг муҳим жиҳат, биринчи навбатда томни изоляция қилишдир.

Тўғри, илгари кўпчилик томни изоляция қилиш қимматга тушишини ўйлаб, ундан деярли фойдаланмаган. Аммо бугунга келиб изоляция материалларининг тури кўпайди, қолаверса, маҳаллий корхоналарда бу материалнинг бир неча хили ишлаб чиқариляпти. Шу боис, бу муаммога ҳам барҳам берилди. Бугун юртимизда қад ростлаётган янги уйларнинг деярли барчасида мансарда ҳам қўшиб қуриляпти. Ўз ишининг устаси бўлган қурувчи ва дизайнерларнинг маҳорати туфайли бугун юқори даражадаги креативлик ва шинамликка эга чордоқларни ҳам кўришимиз мумкин.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, чордоқли турар жой биноси кўплаб хусусиятлари билан ажралиб туради. Унинг баландлиги томнинг қиялиги, бинонинг кенглиги ва чордоқнинг тагидаги деворларнинг баландлигига боғлиқ. Квартира майдонининг қўшимча захираси, айниқса, ўрта чизиқдаги табиий ва иқлим шароитларини ҳисобга олиш натижасида анъанавий бўлган баланд чордоқли уйларда тавсия этилади. Бугунги кунда уй-жойлар қурилишида янги тенденциялар вужудга келмоқда. Улар туфайли исталган бинони яшаш учун қулай жойга айлантириш имкони мавжуд. Инновацион бадиий дизайн билан бойитилган, турли меъморий ечимларга эга мансардали турар жойлар аҳоли пунктларининг ривожланишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди.

– Ҳозирги кунда қурилаётган "новостройка"ларнинг барчасида мансарда қисми мавжуд, – деди тажрибали прораб Ҳаким Муҳиддинов. – Кўпчилик уй майдонини кенгайтириш мақсадида мансарда қисмини ҳам сотиб олишга ҳаракат қилишади. Мансарда одатда пастки қаватга қўшиб берилади ёки арзонроқ нархда сотилади. Бугунги кунда қурилиш меъёр ва талабларига риоя қилиб қурилган мансардада бемалол яшаса бўлади. Мансарда қисмида таъмирлаш жараёнида эътибор бериладиган энг катта жиҳат – уйни қурган ташкилот билан келишган ҳолда бу жойда нималар барпо этишга рухсат берилганини аниқлаб олишдан иборат. Қурувчи фирмада мансардада таъмирлаш ишларини олиб бориш учун рухсатнома бўлади. Одатда, қурилишни назорат қилувчи ташкилотлар томонидан иккинчи қаватга, яъни, мансардага катёл қуришга рухсат берилмайди. Шу боис, тепа қаватни катёли ҳам пастки қаватникига қўшиб жойлаштирилади. Бундан ташқари, мансардани яшаш майдонига айлантириш учун томнинг бутунлигига ҳам эътибор бериш керак. Ва албатта, бунда том изоляцияси ҳам жуда муҳим. Айниқса, бизнинг иқлим шароитда совуқдан эмас, иссиқдан қўрқиш керак. Ёз кунлари мансардага чиқолмай қолиш мумкин. Кондиционердан эса доимий равишда фойдаланиб бўлмайди, ташқаридан ҳаво кириб келмагани учун кислород танқислиги кузатилади. Ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши учун изоляция жуда муҳим. Мансардада вентиляция тизими албатта, бўлиши шарт. Электр тармоғи ҳам тепа қават учун алоҳида изоляция қилиб ишланиши керак. Мансардани ўзининг алоҳида темаси бор, бу дегани электр кабеллари алоҳида гофра билан ўтказилади, ёнғин хавфсизлигига ҳам эътибор қаратилади. Санузел ўрнатаётганда пастки қаватдаги залнинг тепасига тўғри келиб қолмаслигига эътибор бериш керак. Мана шу талаб ва қоидаларга амал қилган ҳолда таъмирланган мансардада бемалол истиқомат қилиш мумкин.

Ҳа, айтганча, танишим ҳам яхши уста топиб, мансарда қисмини қайтадан таъмирлатибди. Энди унинг эртакнома тарзда жиҳозланган чордоғида фарзандлари қишин-ёзин бемалол яшаса бўлаверади.

## Саноат ярмаркаси бўлиб ўтди

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Гулистон шаҳридаги "Тадбиркорлар ва ҳунармандлар" марказида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси ва Республика заргарлик саноати кўргазмаси бўлиб ўтди.**



Очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими А. Маҳмудалиев ҳар бир вилоятда саноат кооперацияларининг ўтказилиши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳамда ушбу ярмаркалар вилоятлардаги ишлаб чиқарувчиларни бир-бирига боғловчи катта майдон вазифасини ўтаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, ўтказилаётган ушбу ярмарка барча учун манфаатли бўлишига тилак билдирди.

Кўргазма қатнашчилари барча вилоятлардан ташриф буюрган 200 га яқин етакчи саноат корхоналари, ҳунарманд ва тадбиркорларнинг импорт ўрнини босувчи 750 турдаги маҳсулоти, саноат кооперацияси орқали маҳаллийлаштиришга таклиф қилинаётган турли жиҳоз ва ускуналарнинг намуналари ҳамда истиқболли лойиҳалар билан яқиндан танишишди.

Икки кун давом этган ярмаркада электротехника, кимё саноати, чарм-пойабзал, энергетика ҳамда қурилиш материаллари соҳасида маҳаллийлаштириш даражасини ошириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, янги лойиҳалар, заргарлик ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш истиқболларига бағишланган тақдимотлар, "B2B" учрашувлар ўтказилди.

## Қурилиш материаллари намойиш этилди

**Сирдарё архитектура ва қурилиш техникумида "RIA INFORM SERVICE" МЧЖ бошчилигида республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирокида кўргазма бўлиб ўтди.**

Унда корхоналарда ишлаб чиқарилаётган арзон ва сифатли қурилиш материаллари, сув насослари, трансформатор пунктлари, ҳар хил ўлчамдаги сув ва газ қувурлари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар намойиш этилди. Кўргазмада иштирок этган ташкилотлар вакиллари ўз маҳсулотларининг қулайликлари ва сифати борасида тақдимот ўтказишди.

Тадбир давомида кўплаб ҳамкорлик шартномалари амалга оширилди.

## Боғотдаги бунёдкорликлар

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Боғот тумани маркази, атрофдаги қишлоқ ва маҳаллалар йилдан йилга янгича қиёфа касб этиб, кўплаб турар жой бинолари қад ростламоқда. Бу эса туман кўркига кўрк қўшиб, аҳолининг хурсандчилигига сабаб бўлаётир. Сўнгги беш йилда туманда намунавий лойиҳалар асосида 90 та якка тартибдаги ва 17 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, эгаларига топширилди.**

Булардан ташқари, йил якунига қадар яна 12 та 370 та хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилади. Қолаверса, 531 та ночор аҳволда яшаётган аҳолининг уй-жойлари ҳам таъмирлаб берилмоқда. Маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, кўчаларга қум-шағал аралашмаси ётқизилмоқда. Муҳими, бу каби ишларни амалга ошириш орқали 10 мингга яқин аҳолининг розилигига эришилмоқда.

Яқинда Боғот шаҳарчасининг Абу Райҳон Беруний номли маҳалласида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида умумий қиймати 17 миллиард сўм бўлган 60 хонадонли 5 қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. "Янги Ўзбекистон" массиви аҳоли учун муносиб турмуш шароитига эга замонавий шаҳарчага айланмоқда. Лойиҳа бўйича бу ерда кўп қаватли турар жой бинолари билан бир қаторда ижтимоий инфратузилма объектлари ва яшил майдонлар ҳам барпо этилади.

"Codiriy Construction" МЧЖ томонидан қурилган ушбу кўп қаватли турар жой биноларини фойдаланишга топшириш маросимида туман ҳокими Жаҳонгир Назаров ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Барча қулайликларга эга хонадон калитини қабул қилиб олган фуқаролар инсон қадрини улуғлаш йўлидаги амалий ишлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Бинонинг биринчи қавати савдо, маиший хизмат ва овқатланиш шохобчаларига мослаб қурилган. Шунингдек, болалар ўйингоҳлари ҳам мавжуд.

## Шоҳимардонда ўзгаришлар катта

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Шоҳимардонда бўлиб, "Шоҳимардон" ва "Ёрдон" МФЙ ҳудудларида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижроси бўйича вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.**



Дастлаб йиғилишда "Шоҳимардон" МФЙ ҳудудидаги мемориал музейини таъмирлаш, унинг фаолиятини яхшилаш, бунда Шоҳимардоннинг ўзига хослиги ҳамда тарихи акс этувчи музей концепциясини ишлаб чиқиш, замонавий кутубхона ташкил этиш, Ҳазрати Али зиёратгоҳи ҳамда унга туташ ҳудудни ободонлаштириш, ёрдамчи биноларни таъмирлаш мақсадида ҳозирда вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, "Ёрдон" МФЙ ҳудудида чиқинди йиғиш учун жой ажратиш ҳамда чиқинди ташиш хизматини йўлга қўйиш, Тараққиёт ҚВП биносини таъмирлаш, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини яхшилаш, қўшимча замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилоти учун қўшимча бино қуриш, ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш каби масалалар ҳақида маълумот берилди.

Ҳудудлардаги асосий кўчаларни кенгайтириш, ёритиш тизимларини ўрнатиш, ташриф буюрувчи туристлар ва зиёратчилар учун зарурий инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича ҳам масъулларга топшириқлар берилди. Иккала қишлоқ вакиллари сўнгги даврда ушбу ҳудудларда катта амалий ўзгаришлар бўлаётганини қайд этиб, ички кўчаларнинг асфальтлангани, тоза ичимлик суви тармоқлари тортилаётгани, юқори тезликда интернет линияси тортилгани, телерадиоузатиш сифатини яхшилаш ва кенгайтириш учун замонавий жиҳозлар ўрнатилганидан мамнунлигини билдиришди.

"Шоҳимардон" МФЙ марказидаги истироҳат боғини замонавий туристик масканга айлантириш, боғ ҳудудида амфитеатр қуриш борасида вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиб, ҳозирда лойиҳалаш ишлари якунланди ҳамда қурилиш ишларига старт берилди. Истироҳат боғи ҳудудида лойиҳаларни кўздан кечирган вилоят ҳокими 500 кишига мўлжалланган амфитеатр сиғимини кенгайтириш бўйича топшириқ берди. Режага кўра, боғдаги оилавий ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган бошқа объектлар ва йўлаклар ҳам таъмирланади, ёритиш тизимлари янгиланиб, замонавий хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари фаолияти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров ДХХ чегара қўриқлаш ҳарбий қисмига қарашли Шоҳимардон чегара қўриқлаш батальони учун қуриб битказилган янги мажмуа ҳамда хизмат уйларини фойдаланишга топшириш маросимида ҳам иштирок этди. Вилоят секторлари, хавфсизлик ҳамда мудофаа тизимлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган тадбирда 43 миллиард сўм маблағ ҳисобига қуриб битказилган мажмуа – маъмурий бино, спорт мажмуаси, стадион, қўшимча бинолар ҳамда асосийси, 96 та хонадондан иборат 4 та замонавий турар жой фойдаланишга топширилди.

